

---

---

**12.00.02 «КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; КОНСТИТУЦИОННЫЙ СУДЕБНЫЙ ПРОЦЕСС; МУНИЦИПАЛЬНОЕ ПРАВО»**

**Қодиров Бобиромон Бекмуродович,**

юридик фанлар номзоди  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-13>

**ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИНГ МАҚОМИНИ ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолияти билан боғлиқ масалалар қиёсий таҳлил қилинган, жамият ривожига педагогик фаолиятнинг аҳамияти ёритилган ҳамда педагог ходимларнинг мақомини ҳуқуқий тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** педагогик фаолият, олий таълим муассасаси, танлов, меҳнат таълили

---

**Кадиров Бобиромон Бекмуродович,**

кандидат юридических наук  
Независимый соискатель Академии Государственного  
управления при Президенте Республики Узбекистана

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВОГО  
РЕГУЛИРОВАНИЯ СТАТУСА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
РАБОТНИКОВ**

**Аннотация:** в данной статье проведен сравнительный анализ деятельности педагогических работников высших образовательных учреждений, отражена значимость педагогической деятельности в развитии общества, а также представлены предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства в области регулирования правового статуса педагогических работников.

**Ключевые слова:** педагогическая деятельность, высшее учебное заведение, конкурс, трудовой отпуск

---

**Kadirov Bobiramon Bekmurodovich,**

PhD of Law  
Independent Researcher of the Academy of Public  
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

**ISSUES OF IMPROVEMENT OF LEGAL REGULATION OF THE  
STATUS OF PEDAGOGIC EMPLOYEES**

**Annotation:** This article provides a comparative analysis of the activities of teaching personnel of higher educational establishments, reflects the importance of pedagogical activity in the development of society, as well as presents suggestions and recommendations for improving legislation in the field of regulation of the legal status of Pedagogic Employee.

**Keywords:** pedagogical activity, higher educational institution, competition, labor leave

Сўнги йилларда таълим тизимини сифат босқичга кўтариш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлаш бўйича янги замонавий таълим босқичлари, йўналишлари ва мутахассисликлари очилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Узлуксиз таълим ва илм-фан тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли изчил ишлар юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашга замин яратмоқда.

Бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда таълим тизими олдида турган долзарб вазифаларни рўёбга чиқариш барча бўғинлардаги педагогик фаолиятни амалга ошираётган ўқитувчиларга бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагогик фаолиятнинг ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, таълим бериш орқали жамиятни ривожлантиришдаги аҳамиятини бошқа бирор бир фаолият турига қиёслаб бўлмайди. Демак, бугунги кунда таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида ушбу фаолият билан шуғулланувчи касб эгалари, яъни педагог ходимларнинг мақомини янада ошириш ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Педагогларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш механизми, қонунчиликни такомиллаштириш борасида илмий изланиш олиб борган хорижий олимларнинг турлича қарашлари мавжуд.

Тадқиқотчи Т.И. Ереминанинг фикрича, юқори ижтимоий мақом ва моддий мустақиллик ўқитувчи вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур шартларидан бири бўлиб, ҳуқуқий ва моддий мақомни яхшилаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар уларнинг ҳуқуқий мақомини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

А.А. Асеева ўзининг тадқиқот ишида педагогларнинг мақоми нуқтаи назардан педагогик фаолият билан шуғулланувчи касб эгаларини икки тоифага ажратган ва ҳар бирига таъриф беришга ҳаракат қилган, жумладан:

1. Олий таълим муассасасининг педагог ходими – бу олий таълим муассасаси билан меҳнат муносабатларига киришган ва ўқитиш, тарбия ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини бажаришни ўз ичига олган касбий педагогик фаолиятни амалга ошираётган шахсдир;

2. Олий таълим муассасасининг ўқитувчиси – бу ўзининг мутахассислиги ва малакаси доирасида касбий ўқитувчилик фаолиятини амалга ошираётган,

---

---

шунингдек, илмий-тадқиқот фаолиятини бажараётган олий таълим муассасасининг илмий-педагог ходимидир.

Фикримизча, олий таълим муассасасининг педагог ходими билан олий таълим муассасасининг ўқитувчисини алоҳида тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, педагог билан ўқитувчи тушунчаси бир хил маънога эга бўлиб, улар айнан бир хил функцияни бажаради ҳамда асосий вазифаси сифатида ёшларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулланади.

В.В. Кванина эса педагогик фаолиятни олий таълим муассасаси томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатида эътироф этиб, профессор-ўқитувчилар таркиби таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва касбий амалий малакаларини шакллантиришга йўналтирилган мақсадли ва давомий фаолиятни амалга оширади, дея таъкидлайди. В.В. Кванинанинг фикрига қўшилган ҳолда, айтиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам олий таълим муассасаси педагог ходими ўқув режасига мувофиқ талабаларга билим бериб, том маънода таълим хизматларини кўрсатади ва кўрсатган хизмати эвазига муайян миқдорда ҳақ олади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаси педагог ходими ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бир таълим муассасасида фаолият кўрсатса-да, бошқа ходимлардан фарқли ўлароқ, қонун ҳужжатлари турлича татбиқ этилади. Масалан, меҳнат муносабатларига оид таътилга чиқиш олий таълим муассасалари бошқарув ёки техник ходимлари учун 24 иш куни бўлса, педагоглар учун 48 иш куни назарда тутилади. Яна бир мисол, педагог ходим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ танлов натижаларига кўра ишга қабул қилинса, қолган ходимлар эса умумий тартибда ишга қабул қилинади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаши билан бир қаторда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу қонунда узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагогларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмаган.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3931-сон қарори билан тасдиқланган "2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури"да Ўзбекистон Республикасининг "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгилаб берилди.

Мазкур қонун лойиҳасида ўқитувчининг мақомини белгилаш, педагог фаолиятининг тамойиллари, ўқитувчининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, унинг шарафи ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, касбий фаолиятига алоқаси бўлмаган ишларга жалб этишни тақиқлаш, ижтимоий таъминоти ва бошқа муҳим ҳуқуқий тартибга солиш қоидалари назарда тутилиши кўрсатиб ўтилди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида қонун лойиҳасига қатор таклифлар тавсия этилади.

---

---

Қонун лойиҳасининг қўлланилиш соҳасига олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини назарда тутиш ҳамда қонун лойиҳасининг 4-моддасида "Олий таълим муассасаси", "Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаси" каби тушунчаларни қўшиш ва тегишли моддаларни ҳам мос равишда қўриб чиқиш лозим.

Шу ўринда олий таълим муассасаси педагог ходими фаолиятига оид ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган масалалардан бири бу меҳнат таътили билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатнинг аниқ белгиланманлиги бугунги кунда турли муаммоларни келтириб чиқараётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, амалиётда барча таълим муассасалари педагоглари талабаларнинг ёзги таътили даврида 48 иш кунидан иборат меҳнат таътилига чиқарилади. Бироқ, уларга 48 иш куни берилиши касаба уюшмаси ўртасида тузилган тармоқ келишуви ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ қоида белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 135-моддасида йиллик узайтирилган асосий таътилар назарда тутилган бўлиб, унга қўра айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътилар белгиланади. Аммо, мазкур қоида айнан педагог ходимларга таътиқ этилишини етарли эмас деб ҳисоблаймиз ва улар ақлий фаолият билан шуғулланганлиги, мунтазам ўз устида ишлаши натижасида доимо эмоционал зўриқиш ҳолатида юриши сабабли педагогларга 48 иш кунидан кам бўлмаган муддатга меҳнат таътили берилиши тўғрисида тегишли қонун лойиҳасида алоҳида норма белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Танлов асосида ишга қабул қилиш жараёнида ҳам аниқлик талаб этилаётган ҳолатлар мавжуд. "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом"нинг 20-банди учинчи хатбошида танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланиши белгиланган. Кўп ҳолларда, амалиётда аризалар, яъни фақат бир нафар талабгордан ариза тушганда, танлов ўтказилмайди, айрим ҳолларда эса бир нафар талабгор бўлса ҳам танлов ўтказилиб келинмоқда. Танлов сўзининг маъносидан келиб чиқиб, танлаш имконияти учун камида 2 нафар номзод бўлиши кераклигини тушуниш мумкин. Бироқ, ҳужжатни турли талқин қилинишига чек қўйиш мақсадида низомнинг 20-банди учинчи хатбошини "Танловда қатнашиш учун бир нафар талабгордан ариза тушган тақдирда танлов ўтказилмаган ҳисобланади, танловни ўтказиш учун камида икки нафар талабгордан ариза тушган бўлиши лозим" деган таҳрирда баён қилган ҳолда ўзгартириш зарур.

Олий таълим муассасалари педагог ходимлари фаолиятининг яна бир хусусияти шундан иборатки, кўп ҳолларда айрим педагоглар ёзги таътил даврида маълумки, қабул жараёнига жалб этилади ва натижада меҳнат таътили учун компенсация олади ёки умуман таътилга чиқмасдан меҳнат таътили бошқа даврга қўчирилади. Шу ўринда савол туғилади, ўз вақтида таътилга чиқмаган педагог ходим ўқув йили давомида қачон таътилга чиқади? Унинг юкломларини ким бажаради? Бу каби ҳолатлар ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади ва ўрнатилган тартибда қўриб чиқишни тақозо этади.

---

---

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари педагог ходимлари ҳар уч йилда ўз малакаларини ошириши тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган. Бу ҳолатда ҳам амалда муайян муаммолар мавжудлиги кузатилади. Олий таълим муассасасининг педагог ходими режага мувофиқ малака оширишга кетган даврда табиийки, унинг юкломлари бошқа педагогларга тақсимлаб берилади. Ваҳоланки, бошқа педагогларнинг юкломлари ҳам ўқув йили бошида етарли даражада тақсимлаб берилган бўлса-да, қўшимча берилган юкломани бажаришга мажбур бўлади. Бироқ, бу ҳолат таълим сифатига салбий таъсир қилиши билан бир қаторда педагог ходимнинг қўшимча бажарган юкломаси учун иш ҳақи берилмайди. Ушбу масалани ҳам ечимини топиш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Олий таълим муассасалари педагог ходимларини касбий фаолиятига боғлиқ бўлмаган йиғилишлар, тадбирлар ва ишчи гуруҳларга жалб қилиш, турли топшириқлар бериш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Бу албатта уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун қонун ҳужжатларига педагог ходимларни касбий фаолиятига боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилишни тақиқлаш ҳақида қатъий қоида киритиш лозим.

Сўнгги икки йилда мамлакатимизда олий таълим муассасалари педагог ходимлари мавқеини ошириш ҳамда уларни моддий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3655-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сон қарорларига мувофиқ олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг базавий лавозим маошлари 50 физгача оширилгани диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, бу ҳам ўз навбатида уларнинг мақомини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шунини айтиш лозимки, олий таълим муассасалари педагоглари, шу жумладан, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни маънавий рағбатлантириш механизмларини етарли деб бўлмайди. Бунинг учун олий таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган ходимларни рағбатлантириш учун "Олий таълим фидойиси" кўкрак нишонини таъсис этиш, керак бўлса, тақдирланган фидойи педагогларнинг хонадони кириш жойига ёшларга ўрнатилган "Ушбу хонадонда олий таълим фидойиси истиқомат қилади" деган юксак иборани ёзиб қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг нафақат тақдирланган инсонга бўлган ҳурмат намунаси, балки маҳалла ва қолаверса ёшлар учун тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикасининг "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши, шунингдек, ушбу қонундан келиб чиқиб, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши педагог ходимлар мақомини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг мавқеи ва нуфузини ошишига хизмат қилади.

---

---

## Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон
2. Еремина Т.И. Законодательные регулирование правового статуса учителя в начале XX века. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург, 2006.
3. Асеева А.А. Особенности правового регулирования труда научно-педагогических работников и работников, совмещающих работу с обучением в высшей школе. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2003.
4. Кванина В.В. Договор на оказание вузом образовательных услуг. Закон. - Москва: Норма, 2007. - №4. - 75с.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 36-модда; 2015 й., 34-сон, 455-модда. 2017 й., 23-сон, 472-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2017 й., 09/17/898/0234-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018й., 03/18/476/1087-сон.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 07/18/3931/1841-сон.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон. 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 07/18/3655/1019-сон
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон